



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 91 (12.402)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



Аъло Абдуллаев (ЎЗА) олган сурат

ФАХРИЙЛАР — ҲАМИША ҲУРМАТ ВА ЭЪЗОЗДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида «Уч авлод учрашуви» деб номланган тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбийлар, олий ҳарбий-таълим муассасалари курсантлари, ҳарбий академик лицейлар ўқувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Иқбол Мирзаалиев, Мудофаа вазирлигининг Фахрийлар билан ишлаш бўйича марказий кенгаши раиси Мусаллим Нуриддинов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида кекса авлоднинг қадрлаш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш, саломатлигини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 апрелда қабул

Ўтганларни хотирлаш, кекса авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш халқимизнинг олижаноб фазилатларидандир. Президентимиз ташаббуси билан умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни замирида ҳам ана шу эзгу аънаналар мужассам. Шу кунларда мамлакатимизда ушбу умумхалқ байрамига бағишланган маданий-маърифий учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Фахрийлар босиб ўтган ўз ҳаёти йўллари ҳақида сўзлаб бердилар, ёшларни тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиш, ҳарбий хизматни сидқидилдан ўташ, доимо виждонли ва мард бўлиш, Ватанимизни кўз қорачигидек ҳимоя қилишга даъват этдилар.

— Биз, фахрийлар шу дорилмомон кунларга етганимиз, Ватанимизнинг мана шундай равнақини кўрганимиздан фахрланамиз, — дейди Қодир Эрназаров. — Бугун ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилган, мамлакатимизда

тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, хонадонларимиз обод, дастурхонимиз тўкин. Биз, фахрийлар ҳамиша ҳурмат ва эъзоздамыз. «Нуроний» жамғармаси ходимлари, таълим муассасалари ўқувчилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, поликлиника ҳамширалари уйимизга келиб, саломатлигимиз, ҳолимиздан хабар олиб турибдилар.

Тадбир иштирокчилари учрашув доирасида Қуролли Кучлар Давлат музейи экспозициялари билан танишди, улар учун Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг концерти намойиш этилди, уруш қатнашчиларига гуллар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ўтганлар хотирасини эъзозлаш, нуронийларни қадрлаш, бугунги тинч ва фаровон кунларга эришиш йўлида фидокорона меҳнат қилган инсонларга иззат-икром кўрсатишга доимий эътибор қаратилмоқда.

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида ўтказилаётган турли маънавий-маърифий ва хайрия тадбирларида бу жиҳатлар аққол намоён бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 апрель куни қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур маҳалласида «Икки авлод учрашуви» ўтказилди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши, туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек тумани кенгаши раиси Фазлиддин Фуломовнинг айтишича, туманда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларнинг ҳолидан хабар олиш, бой ҳаётий тажрибаси ва салоҳиятидан ёшлар тарбиясида оқилона фойдаланиш доимий эътиборда. Ҳозир мактаб, коллеж, олий ўқув юртли ва маҳаллалардаги ёшлар иштирокида тузилган гуруҳлар нуронийларнинг хонадонларига бориб, уларга рўзғор ишларида ёрдам кўрсатмоқда. Қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишлари ташкил этилмоқда.

Туманда ўтаётган навбатдаги учрашувда Амир Темур маҳалласида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларига бориб, уларга байрам совғалари топширилди.

— Шукри, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, невараларимиз ўқиб-йишляётир, интиланнинг бири икки бўлаётир, — дейди Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 91 ёшли Убайдулло ота Иброҳимов. — Биз, нуронийларнинг саломатлигига доимий эътибор берилаётир. Ёшлар тез-тез ҳолимиздан хабар олиб туришади. Ҳар сафар уларни кўрсам, кўнглим тоғдай кўтарилади, умримга умр қўшилгандай бўлади.

(ЎЗА)

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Миллий ассамблеяси «Корея — Ўзбекистон» парламентлараро дўстлик уюшмаси раиси, депутат Ли Жэ О раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида учрашув бўлиб ўтди.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча йўналишда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президент Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республика-

сига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиб, фаол ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Икки мамлакат парламентлари делегацияларининг мунтазам ташрифлари йўлга қўйилган. Корея Республикасининг Миллий ассамблеясида ташкил қилинган «Корея — Ўзбекистон» парла-

ментлараро дўстлик уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Корея Республикаси Миллий ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи бу борадаги фаол ва самарали ҳамкорликни янада раванқ топтиришга хизмат қилаётир.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболли юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Томонлар парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун барча имконият мавжудлигини қайд этиб, бу йўналишдаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Меҳмонлар Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистонда сайлов жараёнларини янада демократлаштиришнинг долзарб масалалари мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• Қарши муҳандислик-иқтисодий институтида «Таълимнинг узлуксизлигини таъминлашда янги педагогик технологиялар ва инсон омилининг ўрни: натижалар, ривожланиш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларидаги олий ўқув юртли ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари вакиллари, ёш олим ва тадқиқотчилар, иқтидорли ўқувчи-талабалар иштирок этди.

• Нукус шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида «Бир тадбиркорга — уч ҳамкор» акцияси ташкил этилди. Унда Оролбўйида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари вакиллари, банк ходимлари ва касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

• Наманган шаҳридаги 25-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўсмирлар ўртасида ўтказилган теннис бўйича Ўзбекистон чемпионатида юртимизнинг турли ҳудудларидан 185 нафар ёш теннисчи голиблик учун куч синашди.

• Самарқанд шаҳрида «Самарқанд, Жиззах ва Бухоро вилоятларида электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими» лойиҳасини амалиётга татбиқ этишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Озарбойжон, Грузия каби давлатларнинг ўттиздан зиёд етакчи энергетика компаниялари вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Мамлакатда ўтказилган сўрловлар натижасида Чехия аҳолисининг тўртдан уч қисми миллий валютани еврога алмаштириш тўғрисидаги масалага салбий ёндашаётганлиги маълум бўлди. Таъкидлаш жоизки, расмий Прага ҳозирга қадар бир неча бор мамлакатнинг евроҳудудга кириш муддатларини орқага сурган.

• Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган авиашоу давомида юзлаб томошабинлар кўз ўнгида парвозни амалга ошираётган «НА-200 Saeta» русумли самолёт қутилмаганда учиб воситалари сақланадиган бинонинг устига қулади ва ёниб кетди. Самолёт учувчиси оғир аҳволда шифохонага келтирилган бўлса-да тез орада ҳаётдан кўз юмди. Фожиа сабаблари аниқланмоқда.

• Ҳиндистон олий суди «Қуданкулам» атом электр станциясининг фойдаланишга топширилишини тўхтатиш тўғрисидаги талабни қабул қилмади.

• Косово полицияси АҚШ томонидан Европада героин ва кокаин гиёҳвандлик моддалари савдосида гумон қилинаётган косоволик альбан миллатига мансуб, маҳаллий жиноий гуруҳнинг етакчиси Насер Кельмендини ҳибсга олди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент Давлат техника университети қошида-

ги 5-сонли академик лицейда ўтказилган тадбир Хотира ва қадрлаш кунига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Амалий

санъат музейида «Аждодлар мероси — унутилмас хазина» мавзусида кўргазма ярмаркаси ташкил этилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Тасвирий санъат галереясида «Европа ўзбек рассом-авангардлари нигоҳида» номли кўргазма бўлиб ўтади.

Пойтахтимизда ибратли, аҳолиси аҳил-иноқ маҳаллалар бисёр. Улар орасида Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласи айниқса, этирофга лойиқ. Ўн мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар доим барқарор.

2013 йил — Обод турмуш йили

АХИЛЛИКДАН ЯШНАЁТГАН МАҲАЛЛА

Юртимизда азалдан маҳаллалар миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, бир-бирини яхши-ёмон кунда йўқлаш каби халқимизга хос қадимий урф-одатлар ва анъаналар маҳалла муҳитида шаклланиб келган.

— Тинчлик-тотувлик, бирдамлик ҳукм сурган юртга байрамлар, шодиёналар ярашади, — дейди «Дўмбиробод» маҳалласи фаоли Муаттар ая Ҳамроева. — Минг шукр, бугун тўкинлик-омонлик. Бозорларимиз обод, хонадонларимиз файзли. Уйлардан куй-қўшиқлар, қувонч садолари таралиб туради. Сўзимнинг исботи сифатида маҳалламизда «Ҳавас» оилавий гуруҳи ташкил этилганини айтишим мумкин. Мазкур гуруҳ ташкилотчилари — Эрматовлар оиласи нафақат маҳалламизда, балки юртимиздаги энг намунавий оилалардан бири. Зеро, улар Мустаҳкам оила йилида Тошкент шаҳрида ўтказилган «Энг намунавий ёш оила» кўрик-танлови ғолиби бўлишган. Оиланинг тўнғичи Қахрамон ва Достон турли танловларда иштирок этиб, ўз иқтидорларини намоён этишган. Масалан, ўтган йили Францияда ўтказилган кўрик-танловда Қахрамон фортепиано йўналишида, Достон эса скрипкачилар кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

Ҳа, тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётган, маънавий қадриятлар эъозланидиган жойдагина юксалиш, тараққиёт бўлади, фарзандлар баркамол тарзда вояга етади. Бугун юртимиздаги ҳар бир маҳаллада замонавий спорт мажмуалари қад кўтариб, спорт мактаблари фаолияти йўлга қўйилган. «Дўмбиробод» маҳалласида ҳам ёшларни ҳар хил оммавий маданият таъсиридан сақлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш чоралари кўрилмоқда. Маҳаллада ўтган йили фойдаланишга топширилган ёпиқ, очик сув ҳавзалари ёшларнинг сеvimли масканига айланиб улгурди. Эндиликда маҳалланинг ўз чемпионлари бор. Мустиқиллигимизнинг йигирма икки йиллигига тўхфа сифатида қурилаётган уч қаватли спорт мажмуаси эса ёш чемпионлар сонининг ортиси, баркамол ва соғлом фарзандлар тарбиялашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Маҳалламизда турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Қаюмов. — Ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, бандлигини таъминлашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бу ёшларнинг билим-билмай жиноят йўлига кириши ва оилавий ажримларнинг олдини олишда, маҳалламизда

ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, тинчлик-осойишталикни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 9 июлдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу ишларни замон талабига мос тарзда йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимиздаги қулай бизнес-муҳит туфайли «Дўмбиробод» маҳалласида ҳам ишнинг кўзини биландиган, саховатли инсонлар кўп. Ўтган йили ўндан ортиқ тадбиркорлик субъекти, ўқув курслари ташкил этилгани бунинг ёрқин исботидир. Бу аҳоли, айниқса, коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили маҳалладан 140 нафар ёшлар касб-хунар коллежини битирган бўлса, ҳозирда уларнинг бандлиги таъминланган. Мисол учун, Гўлчехра Исроилова сунъий гуллар ясаш цехи очиб, ўндан зиёд ёшларни иш билан таъминлади. Нафиса Икромова эса кўли гул тикувчи ва ёшлар устози сифатида маҳаллада танилган.

— Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юртимиздаги вакиллари билан ҳамкорликни йўлга қўйди, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилбар Топилова. — Улар кўмағида ҳар ойда мунтазам семинар-тренинглари ўтказилиб, тикувчилик, тўқувчилик, пазандалик сирлари бепул ўргатилмоқда. Қисқа қилиб айтганда, ҳозирда ўн мингдан зиёд аҳоли яшаётган маҳалламизда банд бўлмаган, ишсиз одамнинг ўзи йўқ.

Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнаомлигида халқимиз турмуш фаровонлиги, маҳаллалар ободлигини таъминлаш, ёшларни комил инсонлар этиб вояга етказиш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Зиёда ВОҲИДОВА

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети тарих факультетининг «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси қошида «Элпарвар» тўғраги ташкил этилган.

Олий ўқув юртларида

ЁШЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Ушбу тўғрақнинг асосий мақсади «Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналиши бўйича билимларни чуқурлаштириш, шунингдек, Ўзбекистонда демократик жамият қуришда давр талабига мос етув кадрларни етиштириш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишдан иборат.

«Элпарвар» тўғрагида иқтидорли талаба-ёшларни танлаган йўналишлари бўйича махсус дастур асосида билимларини чуқурлаштириш, салоҳиятларини юксалтириш, таниқли олимлар ва мутахассислар билан учрашувлар ҳамда турли семинарлар ташкил этиш, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Тўғрақда ёшларнинг билимларини янада юксалтириш бора-бора «Мустақил Ўзбекистоним» мавзусида давр суҳбати, устоз-мураббийларга бағишланган кечалар, «Ёшлар — миллат келажаги» мавзусида баҳс-мунозаралар, «Оммавий маданиятнинг маънавиятимизга таъсири» каби бир қатор тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

— Тинч-осойишта юртимизда билимга чанқоқ ёшларни бунёдкорлик руҳида тарбиялаш ва уларга илм бериш бизнинг вазифамиздир, — дейди «Элпарвар» тўғраги раҳбари Лола Тажинозарова.



7 нафар академик, 700 га яқин фан доктори, 7 мингдан ортиқ фан номзоди... Бу мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятида аёлларнинг ўлиши ва бу кўрсаткич кундан-кун ортаётди.

Республика хотин-қизларининг «Олима» уюшмаси ташаббуси билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган «Фан ва таълимда инновациялар» семинари юртимизнинг олима аёлларини яна бир жойга жамлади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида университетнинг 95 йиллигига бағишланган семинар доимий ва олий ўқув юртларига макомга эгаллиги билан янада аҳамиятли.

Ушбу конференция «Олима» уюшмасининг илк ташаббуси эмас. Сўнгги икки йилнинг ўзига уюшма томонидан «Баркамол шахсни тарбиялашда миллий-маънавий қадриятларнинг ўрни», «Илм, аёл, тафаккур», «Мустақил Ўзбекистоннинг давлатчилиги ва ижтимоий қурилишида аёлларнинг роли» каби мавзуларда қатор минтақавий семинарлар ўтказилган ва уларда муҳим ижтимоий-таълимий масалалар кўриб чиқилган эди.

«Фан ва таълимда инновациялар» мавзусидаги семинар Ўзбекистон Миллий уни-

Анжуманлар

ФАН ВА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИЯЛАР

Аёл — уй бекаси... Бу таъриф энди ўз кучини йўқотмоқда. Замонамиз аёллари даврнинг энг муҳим ва долзарб масалаларига ҳам ўзларини дахлдор деб ҳис этишмоқда. Аслида ҳам шундай.

верситетда амалга оширилаётган илмий лойиҳалар ва тадқиқотларда олима аёлларнинг иштироки, Республика хотин-қизларини ижтимоий фаоллаштиришда хориж тажрибаси ва миллий тамойилларнинг ҳамоҳанглиги, олималарни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларини кенг муҳокама мавзусига айлантирди.

Маълумотларга қўра, Ўзбекистон Миллий университетида фаолият кўрсатаётган

профессор-ўқитувчиларнинг 51,7 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳам шунга яқин рақамларни кўриш мумкин.

Илмий анжуман якунида иштирокчилар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Сирожиiddин СОТВОЛДИЕВ, ЎЗМУ талабаси

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ҳамда қурилиш саноати корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси муваффақиятли якунланди.

Асқар Ёкубов (ЎЗА) олган сурат

ЯНГИ БОҒЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимиздаги барча вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ижтимоий объектлар ҳудуди кўкаламзорлаштирилиб, дарахт ва гул кўчатлари ўтказилмоқда. Таълим масканларида «Эккан ниҳолим билан бирга улғаяман!» шиори остида ободлик акциялари ўтказилиб, янги боғлар барпо этилмоқда.

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги 1-педагогика коллежида ҳам ўқувчи ва ўқитувчилар иштирокида мўъжаз боғ яратилиб, унга 3 минг тупдан ортиқ гул, қарийб 350 туп мева ва манзарали дарахт кўчати ўтказилди. Ландшафт дизайни асосида экилган бу ниҳоллар билим масканига янада кўрк бағишлади.

— Кўчат экиб, боғ яратишдек эзгу анъаналаримиз ёшларда бунёдкорлик, эзгулик, ўз уйи, ўз Ватани тақдири учун дахлдорлик туйғуларини шакллантиришда муҳим омил бўлаётир, — дейди коллеж директорининг ўринбосари, педагогика фанлари номзоди Муҳиддин Тожев. — Педагогика соҳасини танлаган ёшлар коллежини тамомлагач, ўз ўқувчиларига ҳам табиатга меҳр, унинг бебаҳо неъматларига оқилона муносабатда бўлишни ўргатади.

Коллежда «Энг обод ҳудуд», «Энг чиройли гулзор», «Энг озода ўқув хонаси» кўрик-танловлари ўтказилади. Ҳозир ўқувчилар мазкур танловларда ғолиб бўлиш учун синфхона, коллежда ўзлари масъул бўлган ҳудудларни доимо озода тутишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Арофат Шукурова — гул ва мева дарахт кўчатларини ўтказишда алоҳида фаоллик кўрсатаётган ёшлардан.

— Ниҳоллар болаларга ўхшайди, — дейди Арофат. — Уларнинг тўғри униб-ўсиши, келгусида қандай мева бериши бугунги парваршига боғлиқ. Бу жиҳат, айниқса, биз — бўлғуси педагоглар учун жуда муҳим. Мен коллежда жисмоний тарбия ва болалар спорти бўйича мураббий йўналишида ўқияман. Ўқишни тамомлаб, мактабгача таълим муассасасида мураббий бўлиб ишламоқчиман.

2700 нафар ўқувчи-ёш билим олаётган ушбу масканда бошланғич таълим тарбиявий ишлари ташкилотчиси, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, жисмоний тарбия ва болалар спорти бўйича мураббий, мактабгача, оилавий ва махсус таълим тарбиячиси, кенг асортиментдаги кийимлар модельер-конструктори каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Коллеж директорининг касб таълими бўйича ўринбосари Барно Каримованинг айтишича, бу йил ўқишни битирадиган 1022 нафар ўқувчи умумий ўрта ва мактабгача таълим масканларида тўрт, олти ва саккиз ҳафталик дипломолди амалиётини ўтамоқда. Уч томонлама шартномага мувофиқ, улар ушбу масканларга ишга жойлашади. Шунингдек, мактаб, болалар богчаси, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик «Устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга хизмат қиляпти.

Ўқув масканида олтишга яқин фан, бадиий ижодиёт, касб кўникмаларига оид тўғрақ фаолият кўрсатмоқда. Ҳар жума ва шанба кунлари гимнастрада, турли спорт мусобақалари ўтказилиши анъанага айланган. «Ақлга — билим, қалбга — маънавият» мавзусидаги туркум семинарлар ёшларнинг юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига оид билимини ошириш, «Ораста қизлар» тўғраги эса қизлар маънавияти, тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Олимлар, маънавият тарғиботчилари, турли соҳа мутахассислари, маданият ва санъат намоёндалари иштирокидаги учрашувлар, жонли мулоқотларда ёшларни диний экстремизм ва ақидапарастлик, «оммавий маданият», ахборот хуружларининг салбий таъсиридан ҳимоялаш ҳақида сўз юритилмоқда.

Назokat Усмонова, ЎЗА мухбири

БИР ТАДБИРКОР — УЧ ҲАМКОР

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожига қаратаилаётган доимий эътибор самарасида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотининг 54 фоиздан, иш билан банд аҳолининг 75,7 фоиздан ортиги айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. 2012 йилда кичик бизнеснинг экспортдаги улуши 15,8 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида ташкил этилган «Бир тадбиркор — учта ҳамкор» акциясида шулар хусусида сўз юритилди. Унда пойтахтимизда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари вакиллари ва касб-хунар коллежи битирувчилари иштирок этди.


Икки йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур акция тадбиркорлигини янада ривожлантириш, қулай бизнес-муҳит яратиш ва соҳадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилаётир. Унда «Устоз-шогирд» анъаналарини ривожлантириш орқали юқори натижаларга эришган тадбиркорларнинг амалий тажрибаси кичик бизнес вакиллари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда. Бунда инновациялар бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

— Қирқ турдан зиёд дезинфекция ва тибиёт маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз, уларнинг ўнга яқин тури экспорт қилинмоқда, — дейди ЎЗА мухбирига «Агро био ким» компанияси директори Асадулла Ражабов. — Компаниямиз ишчиларининг аксарияти бир нечта тилни пухта биландиган ёшлардан иборатлиги халқаро алоқаларни ривожлантиришда қўл келаятир. Жорий йилда компаниямизга доривор ўсимлик — ширинмия етиштириш учун Оханзор туманида 25 гектар ер ажратилди. Бу яна қирқдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини беради. Бугунги акцияда ўзининг бизнес ғоялари билан иштирок этаётган ёшлардан ўн нафарини ишга жалб этиш юзасидан келишиб олдик.

Акция доирасида ёшлар тегишли тадбиркорлик субъектларида «Устоз-шогирд» анъаналарига асосланган малака ошириш ва амалий тажрибасини ўрганиш имконига эга бўлди.

Сайёра ШОЕВА

9 май — Хотира ва қадрлаш куни



УЗОҚБОЙ ОТАНИНГ ДУОСИ

«Қариси бор уйнинг париси бор», дейди халқимиз. Уларнинг насиҳати ҳаёт сабоғи, эзгу дуолари файзу барака омилidir.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланаётганида, нуроний отахону онахонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганида халқимизга хос ана шу эзгу удумлар мужассам. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 апрель куни қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизнинг ҳамза туманидаги Умид маҳалласида яшовчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони Узоқбой ота Ахроев хонадонидамиз. Бобо урушдан сўнг узоқ йиллар темир йўл соҳасида меҳнат қилган.

Мустикалик йилларида У.Ахроевнинг меҳнатлари қадрланиб, Президентимиз фармонларига биноан «Жасорат» ва «Шухрат» медаллари, «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги» эсдалик нишони билан таъдирланди.

– Шу кунларга етказганига шукр, дейди Узоқбой ота. – Давлатимиз раҳ-

барининг биз, кексаларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ёрдами билан бепул даволанамиз, санаторийда дам оламиз. Маҳалла-қўй, тиббиёт ходимлари, ёшлар тез-тез ҳолимиздан хабар олиб туришади. Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш ҳақидаги фармони ўқиб, янада кўнглим кўтарилди. Хизматларининг Ватанинг, эл-юртинг унутмаганини ҳис этиш – қандай бахт!..

Узоқбой ота кўзойнақсиз китоб-газета ўқиб, телевизор кўради. Халқимиз эришаётган ютуқларни ҳаётий мисоллар билан тарғиб этади, ёшларни бугунгидек тинч, фаровон кунларнинг қадрига етишга ундайди.

...Отахон бизни останага қадар кузатиб чиқар экан, дуога қўл очди:

– Илоҳим, юртимиз тинч, Юртбошимизнинг умрлари узоқ бўлсин, дастурхонларимиз тўкин, фарзандларимиз соғ-саломат ва бахтдир бўлсин!

Байрам АЙТМУРОДОВ,
УзА мухбири

Ёши улуг инсонларни иззат-ҳурмат қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ушбу қадимий одатимиз айниқса, Истиқлол йилларида янада қадр топди.

ФАХРИЙЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРДА

Юртбошимизнинг «Фахрийларни тириклигида қадрлайлик, эъзозлайлик, уруш қатнашчиларининг умрини бир йил, бир ой бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи лозим» деган сўзлари бу борадаги давлат сиёсатини белгилаб берди десак янглишмаган бўламиз.

Бугун юртимизда ёши улуг инсонларни ардоқлаш, уларнинг кўнглини олишга қаратилган кўплаб хайрли ва савобли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Сергели туманида ҳозирги кунда 36 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари ва 475 нафар фронт орти меҳнат фахрийлари истиқомат қилади. Уларга давлатимиз томонидан ва химматли ҳомиёлар ёрдамида моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатилиб, ҳол-аҳволларидан доимо хабардор бўлиб турилмоқда.

Уруш қатнашчиларининг ҳар бирининг ёши 90 ни қоралаб, 100 га яқинлашиб қолган инсонлардир.

Шу ўринда ана Президентимизнинг «Биз нафақат ўтганларни хотирлашимиз, балки бугун ҳаёт бўлганларини қадрлашимиз, ҳурматини жойига қўйишимиз зарур» деган ҳаётбахш сўзларини ёдга олиб руҳланиб кетдик ва эл-юрт тинчлиги йўлида камарбаста бўлган, бугунги кунда ҳам ёшларга маънавий тарбия бериб келаётган фахрийларни ёдга олгимиз келди.

Уруш фахрийси Йўлдош ота Маҳамов (охиратлари обод бўлсин) шундай деган эдилар: «Урушга кирган ҳар бир киши қаҳрамон. Бу ажал оловларидан омон чиққанлар эса ўн қарра қаҳрамон. Ана шу ўн қарра қаҳрамонлар бугун орамизда. Биз уларни олқишлайлик, эъзозлайлик, ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини юқори чўққига кўтарайлик, токи улар хурсанд бўлсин, кўнглилари фарҳа тўлсин».

Инсоният бошига балоларни ёдирган Иккинчи жаҳон урушида Берлин шаҳ-

рини фашизмдан озод этишда қатнашган Патхутдин ота Мухитдинов, ҳозирги кунда Сергели туманидаги «Обод» маҳалласи жамоатчилиги маркази раиси, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими кенгаши аъзоси, тафтиш комиссияси раиси сифатида фаолият олиб бормоқда. Эътиборлиси шундаки Патхутдин ота адабиётни, китобни, тарихни жон-дилидан яхши кўради. Бу ажойиб инсон кексайиб қолганига қарамасдан ижод қилиб туради. Унинг ижод маҳсуллари бўлмиш «Хаётдан қатрлар», «Умрни қадрланг», «Дил изхори» каби китоблари чоп этилган. Айни пайтда «Узоқ ашаш сирлари» ва бир қанча шеърлари нашрдан чиқди.

Яна бир мисол, Юрий Прихожко 1941 йилнинг сентябры ойида ихтиёрий равишда армия сафига қўшилди ва урушнинг охиригача Москва, Латвия, Беларуссия ва Болгария фронтларида қатнашиб 1946 йилда ўзининг туғилган шаҳри Тошкентга қайтиб келди.

1946 йилдан бошлаб турли соҳа, турли лавозимларда фаолият юритиб, 1969-1973 йилларда Тошкент Давлат педагогика институтини сиртдан тамомлаб, 1973 йилда аспирантурага ўқишга кириб, тарих фанлари номзоди илмий унвонини ҳимоя қилди ва Тошкент ирригация ва механизация институтида кўп йиллар фаолият кўрсатади.

Ҳозирги кунда Ю. Прихожко Сергели туманидаги «Учувчилар» маҳалласида кексалик гаштини суриб яшаб келмоқда. Яқинда бу инсон табарруқ 90 ёшни қаршилайди...

Умр йиллари ва йўллари одами шакллантиради, уни янги-янги довлонлардан оширади, кўзлаган мақсадларига элтади. Уни элга танитади, машҳур этади.

Ҳар бир уруш фахрийсининг қалбида, мардлиқ, садоқат қуёши бор. Бу қуёш яна узоқ йиллар уларга нур сочаверсин.

Темуз БАЙКУЛОВ,
Фахрийларни кўлаб-қувватлаш
«Нуроний» жамғармаси Сергели
туман кенгаши раиси

боғлиқ бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Фахрийлар Президентимиз Ислам Каримовга мамлакатимизда қарор топган тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик учун улкан миннатдорлик изхор этдилар. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони фахрийларга бўлган чексиз ҳурмат-эътибор, кўрсатилаётган ғамхўрликдан яна бир далолатдир.

Фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилиб, совғалар ва пул мукофотлари топширилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
УзА мухбири

ХОТИРА — БОҚИЙ, ҚАДР — МУҚАДДАС

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрий журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов Ватанимиз ва халқимиз мустақиллигини мардонавор ҳимоя қилган фидойи ҳамюртларимизни эъзозлаш, улар ҳақида ғамхўр-

лик қилиш борасидаги эзгу ишлар Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларда яққол намойён бўлаётганини таъкидлади. Ҳаёти мамлакатимиз журналистикаси билан чамбарчас

Шахримиздаги Миллий санъат марказида кинорассом Қаҳрамон Нуриддиновнинг шахсий кўргазмаси намоиши давом этмоқда. Мустикалик йилларида яратилган кинофильмларга чизилган эскизлар билан бир қаторда рассомнинг бошқа асарлари ҳам экспозициядан жой олган.

Кўргазмалар

САНЪАТДА АКС ЭТГАН ҲАЁТ

Уларнинг сони 70 дан ортук. Кўргазма ташкилотчилари: «Ўзбекистон маданияти ва санъати» жамғармаси, «IJO» Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси ва Миллий санъат маркази.

Рассом Қаҳрамон Нуриддинов 1953 йил таваллуд топган. Тошкент театр ва рассомлик институтида ва хорижда таҳсил олган. «IJO» Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси аъзоси. Республика ва халқаро миқёсдаги кўргазмалар иштирокчиси. Россия, Қозғистон кинофестивалларида совринли ўринларга сазовор бўлган. Москвада фаолият юритиб машҳур фильмларни яратиш ишларида фаол иштирок этган. 2012 йилда рассомнинг «Кино оламида 35 йил» деб номланган шахсий кўргазмаси ўтказилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ижтимоий муҳофаза
ТИББИЙ КЎРИҚДАН
ЎТИШАДИ

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда ижтимоий муҳофазага муҳтож инсонларни моддий-маънавий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш асосий вазифалардан бирига айлангани қувонарли ҳол.

Шайхонтохур ва Олмазор туманлари ҳокимликлари ҳамкорлигида ижтимоий соҳа ходимлари, шифокорлар иштирокида тадбир уюштирилиб, унда иштирок этганлар ташаббуси билан юқоридаги туманларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон болалар бепул тиббий кўриқдан ўтадиган бўлди. Яъни тадбирда йигирма нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига тиббий кўриқдан ўтишлари учун йўлланмалар берилди.

Янги асрда жамият тараққиёти ва ривожда замонавий компьютер технологиялари муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

Танловлар

ЁШЛАР БИЛИМИ
СИНОВДАН ЎТҚАЗИЛДИ

Шу боис ҳам мамлакатимиздаги ҳар бир таълим муассасаси замонавий компьютер технологиялари билан таъминланган. Бу эса ёшларнинг билим доираси кенгайишида муҳим ўрин тутди.

Кўни кеча Тошкент Ахборот технологиялари университетида талабаларнинг дастурлаш йўналиши бўйича олган билимларини синдовдан ўтказиш мақсадида кўрик-танлов уюштирилди. Компьютер технологиялари бўйича тузилган шартлар асосида ҳакамлар ҳайъати синиовдан ўтган талаба-ёшлар орасида ғолибликни қўлга киритганларга мутасаддиларнинг совғалари тўх-фа этилди.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжа-лик судининг 03.09.2012 йилдаги 10-1209/14325-сонли ижро вара-қасига асосан ҳамза тумани, М.Риёзий кўчаси, 1-уй «Нумизма-тика» МЧЖда сақланаётган қўй-дагилар қўйилмоқда: 1. «Эпика» русумли д/р 01/8140ВА бўлган, 2010 йил и/ч автотранспорт воси-таси. Бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм. 2. «Камаз-55111» русум-ли д/р 01/562GBA бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 55 000 000

сўм. 3. «Камаз-55111» русумли д/р 01/571GBA бўлган, 2006 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бош-ланғич баҳоси – 55 000 000 сўм. **Аукцион савдоси 2013 йил 11 июнь кўни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризалар-ни қабул қилишнинг охириги муда-дати: 2013 йил 7 июнь кўни соат 18:00. **Автотранспортлар билан сўд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига**

чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатла пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИБ «Ипак йўли банки» Савбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома №006231.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйиладиган мулклар қўйилган:

I. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 13 феврал-даги 5102/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тош-кент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 1984 йилда и/ч дав. бел. 10 Н 137 JA бўлган «Ваз 21063» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 647 682,4 сўм. 2. 2013 йил 22 февралдаги 5667/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 В 033 KA бўлган «Мерседес Бенц С180К» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 112 800 000 сўм. 3. 2013 йил 12 мартдаги 7758/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 О 349 GA бўлган «Нексия СОНС 2» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 27 803 565 сўм. II. Чилонзор туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 30 январдаги 1-146/12-17-1/1-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор туман СИБ ҳовлисида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 181 LA бўлган «Нексия» русумли автотран-спорт воситаси. Бошланғич нархи 21 302 000 сўм. III. ҳамза туман СИБ томонидан, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдон-қасида сақланаётган, 2012 йил 26 декабрдаги 1-347/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. 1997 йилда и/ч дав. бел. 10 BA 244 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 263 000 сўм. 2. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 551 QBA бўлган «Нексия» русумли автотран-спорт воситаси. Бошланғич нархи 14 326 000 сўм. 3. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 676 САА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 833 000 сўм. 4. 1998 йилда и/ч дав. бел. 10 BA 718 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 378 000 сўм. IV. ҳамза туман СИБ томонидан, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдонқасида сақланаётган: 1. 2012 йил 23 октябрдаги 1-680/2012-сонли ижро варақасига асосан хат-ланган, 1994 йилда и/ч дав. бел. 01 С 580 CA бўлган «БМВ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 600 000 сўм. 2. 2013 йил 12 февралдаги 1-11/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 G 898 LA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 49 250 000 сўм. 3. 2012 йил 10 августдаги 2-93-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йил-да и/ч дав. бел. 01 Т 205 DA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 071 000 сўм. 4. 2013 йил 1 февралдаги 1-1009/2012-сонли ижро варақаси-га асосан хатланган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 01 W 569 KA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошлан-ғич нархи 17 171 220 сўм. 5. 2013 йил 1 февралдаги 1-1009/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 S 434 EA бўлган «Спарк» русумли автотран-спорт воситаси. Бошланғич нархи 27 000 000 сўм. 6. 2013 йил 8 февралдаги 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 30 R 5531 бўлган «Мер-седес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 800 000 сўм. V. Учтепа туман СИБ томонидан 2011 йил 2 ноябрдаги 1-9124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ IXХБ Мўйноқ жарима май-донқасида сақланаётган, 1991 йилда и/ч дав. бел. 30 U 6114 бўлган «Мерседес Бенц 230» русумли автотранспорт восита-лари савдога қўйилган. Бошланғич нархи 24 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йил 11 июнь кўни соат 11:00да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юза-сидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 26 июнь кўни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилишимиз.

2013 йил 28 май кўни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига қўйиладиган мулклар такроран қўйилган:

I. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 28 январ-даги 1921/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «За-фар-И» МЧЖ божхона омборида сақланаётган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 01 E 386 KA бўлган «Мерседес Бенц 208 D» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 24 711 300 сўм. 2. 2012 йил 9 июлдаги 24510/6-сонли ижро варақа-сига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдон-қасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 L 221 FA бўлган «Мерседес Бенц S350» русумли автотранспорт воси-таси. Бошланғич нархи 186 300 000 сўм. 3. 2012 йил 18 сентябрдаги 31601/6-сонли ижро варақасига асосан хатлан-ган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдонқасида сақланаёт-ган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 18 U 3443 бўлган «Каптив» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 56 923 087 сўм. 4. 2012 йил 25 мартдаги 11357/5-сонли ижро вара-қасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Мар-казида сақланаётган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 10 В 0221 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошлан-ғич нархи 16 158 533 сўм. 5. 2013 йил 18 январдаги 1013/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 М 653 FA бўлган «ГБА СПГ Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 100 000 сўм. II. ҳамза туман СИБ томонидан 2012 йил 12 март-даги ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдонқасида сақланаётган: 1. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 М 002441 бўлган «SUZU SAZ NP37» русумли авто-транспорт воситаси. Бошланғич нархи 53 874 738 сўм. 2. 2000 йилда и/ч дав. бел. 01 М 000169 бўлган «Мерседес Бенц 1840» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нар-хи 53 203 278 сўм. 3. 1994 йилда и/ч дав. бел. 01 С 521 CA бўлган «Мерседес Бенц 100D» русумли автотранспорт воси-таси. Бошланғич нархи 12 847 737 сўм. III. Чилонзор туман СИБ томонидан 2012 йил 6 майдаги 2-30-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдонқасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 E 656 GA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 200 000 сўм. IV. Сергели туман СИБ томонидан 2010 йил 4 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Numizmatika» МЧЖ жарима майдонқасида сақла-наётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 30 О 2107 бўлган «Ваз 210700» русумли автотранспорт воситалари савдога қўйил-ган. Бошланғич нархи 5 344 200 сўм.

Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқ-дорда закатла пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг ОАБ «Капиталбанк» Мирзо Улўғбек филиалида қўйиладиган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар кўни (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кўни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

Тошкент шаҳри, М.Улўғбек тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томо-нидан 2006 йил 15 июнда рўйхатдан ўтган (ИНН 206656907) реестр тартиб рақами 001995-04 бўлган «SABINA-TIMUR SAVDO» хусусий корхонаси тугатилди. Давролар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой даво-мида қўйиладиган телефон орқали қабул қилинади: (98)3678006

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2008 йилда Файзуллаев Фаз-лиддин Абдумалик ўғли номига берилган У №3441372 рақамли шаходатнома йўқолиб қолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

САНЪАТГА ОШНО ҚАЛБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши бугунги кунда мамлакатимиздаги меҳнаткашларнинг бўш вақтларини мазмунли ва унумли ўтишини таъминлаш мақсадида улар ўртасида бадий ҳаваскорлик, миллий қадриятларимизга бўлган муносабатларни ривожлантириш, юрт ободлиги ва фаровонлиги, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш ва рабатлантириш, ҳаваскор санъаткорларнинг ижодини кенг тарғиб қилиш борасида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ана шу саъй-ҳаракатларни давом эттириш мақсадида яқинда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежида бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича «Санъатим сенга, обод юртим!» номли кўрик-танлов ўтказилди. Унда Чилонзор туманидаги таълим, фан ва маданият ходимлари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари, соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмалари тизимидаги ҳаваскор меҳнаткашлар анъанавий ижрочилик (қўшиқ, катта ашула), эстрада қўшиқчилиги, якка ва ансамбль чолғу ижрочилиги, якка рақс ижрочилиги ва жамоа рақс ижрочилиги йўналишлари бўйича ўз дастурлари билан иштирок этишди.

Кўрик-танловнинг 1-босқичи Наврўз байрами арафасида бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнат қилаётган 500 га яқин ўқитувчилар, шифокорлар ва ишчи-ҳодимлар ўртасида касаба уюшма кўмиталари томонидан ўтказилганди. Тадбирнинг бугунги туман босқичида 50 га яқин ҳаваскорлар 20 дан ортиқ дастурларини намойиш этишди. Уларнинг чиқишлари, танланган мавзу, ижро маҳорати, созларнинг уйғунлиги, либослар ҳамда сахна безакларини тумандаги малакали мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари ўн балли мезон асосида баҳоладилар.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, анъанавий ижрочиликда 1-Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Муҳаддас Асатуллаева, эстрада қўшиқчилигида 131-ўрта мактабнинг ўқув-тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари Бехзод Муродов,



якка ва ансамбль чолғу ижрочилигида туман ободонлаштириш бўлими ходимлари, якка рақс ижрочилигида 201-мактаб ўқитувчиси Барно Эгамбердиева ва жамоа рақс ижрочилигида 534-МТМ ходимлари ғолиб деб топилиб, беллашувнинг шахар босқичига йўланма олишди.

Санъат инсонни эзгуликка чорлайди, қалби ва руҳини поклаб, унга ажиб бир энгиллик баҳида этади, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор тумани Кенгаши раиси

Ўлмас Қаҳҳорова. — Бугунги тадбир машаққатли ҳамда масъулиятли касб эгалари учун ана шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир. Қолаверса, ҳаёт сабоқлари бўйича мураббийлик қилиб келаётган ўқитувчилар ўз иқтидорларини намойиш этиб, аксарият ёшларга ўрнак бўлмоқдалар.

Чилонзор туманидаги «Рақс дастаси» ҳамда «Оловуддин» гуруҳи болажонларининг чиқишлари тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Отабек ОТАЁРОВ

Спорт янгилликлари

«БУНЁДКОР» — НИМЧОРАК ФИНАЛДА

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳларида уюштирилган сўнгги тур баҳсларидан сўнг нимчорак финал йўлланмасини қўлга киритган жамоалар номи маълум бўлди.

Ушбу турнирнинг «G» гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Бунёдкор» жамоаси сафарда Жанубий Кореянинг «Поханг Стилэрз» командаси билан куч синашди. Тўпни назорат қилиш бобида бироз устунлик қилган мезбонларга тошкентлик футболчилар томонидан уюштирилаётган қарши ҳужумларни қайтариш анча қийинчилик туғдирди. Уйиннинг 79-дақиқасида Пишур дарвозани аниқ нишонга олиб «Бунёдкор»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди. 1:0. Аммо ана шу галабани сақлаб қолиш тошкентлик футболчиларга насиб этмади. Чунки мезбонлар учрашув якунланишига санокли дақиқалар қолганда Нестеров дарвозасига гол киритиб орадаги мувозанатни тиклашди. Ушбу 1:1 ҳисобидан кейин «Бунёдкор» нимчорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Ушбу гуруҳдаги Япониянинг «Санфречче Хиросима» ҳамда Хитойнинг «Бейцзинг Гуан» жамоалари баҳси ҳам 0:0 ҳисобида якунланди ва Хитой жамоаси кейинги босқичга йўл олди.

Осиё чемпионлар лигаси турнирининг «B» гуруҳида иштирок этаётган «Пахтакор» бу турда ўз майдонида БААнинг «Ал-Шабоб» командаси билан куч синашди. Шунга айтиш мумкин, дастлабки баҳсда пахтакорчилар сафарда 1:0 ҳисобида зафар қучишган эди. Агар Тошкентда ҳам Мурод Исмоилов шогирдлари галаба қозonganларидан кейинги босқичда ўйнаш ҳуқуқига эга бўлишарди. Дарҳақиқат, учрашув тезкор, ҳужумкор ва шиддатли курашларга бой кечди. Аммо мезбонлар ҳимоячиларининг ҳатоси туфайли учрашув 1:2 ҳисобида меҳмонларнинг галабаси билан якунланди. Ушбу галаба «Ал-Шабоб» жамоасини нимчорак финалга олиб чиқди.

Энди Осиё чемпионлар лигаси турнирида юртимиз шарафини фақат «Бунёдкор» ҳимоя қилади.

Россияда қўл жанги бўйича уюштирилган жаҳон чемпионати мусобақалари Ўзбекистон терма жамоасига тўртта медални туҳфа этди.

ОДИЛ СИРОЖИДДИНОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Турнирда 30 тага яқин мамлакатдан келган 200 нафардан зиёд спортчи иштирок этган баҳслар мурасиз курашларга бой кечди.

Кувонарлиси, 80 килограммгача бўлган қўл жанги усталари баҳсида ҳамюртимиз Одил Сирожиiddиновга тенг келадиган рақиб топилмади ва якунда биринчи ўринни эгаллаган Одилга олтин медаллар тақдим этилиб, у жаҳон чемпиони деб эътироф этилди.

Шунингдек, нуфузли турнирда қатнашган ҳамюртларимиз Жаҳонгир Мансуров ҳамда Шамсиддин Йўлдошев кумуш медалга эгасига айланишган бўлса, Бобур Раҳматовга жаҳон чемпионатининг бронза медаллари насиб этди.

Коллежимиз жамоаси ўзининг кўпгина ибратли ишлари анъаналари билан танилган. Туман, шаҳар, республика миқёсида ўтказиладиган турли спорт мусобақаларида ёшларимиз доимо фаол қатнашишади.

ЧЕМПИОНЛАР — ЁШЛАРГА ИБРАТ НАМУНАСИ

Шу боис коллежимиз жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Ютуқ ёшларимизни руҳлантириб, янги марраларни эгаллашга ундамоқда.

Гўзал МУХАМЕТШИНА,
Тошкент банк коллежи ўқитувчиси

Акбар Йўлдошев

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗНИНГ ИККИТА МЕДАЛИ

Россиянинг Иваново шаҳрида бадий гимнастика бўйича уюштирилган халқаро турнир якунига етди.

Унда мезбонлардан ташқари Украина, Чехия, Польша, Куба, Португалия, Исроил, Янги Зеландия, Черногория, Малайзия, Кипр, Латвия, Молдова, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистондан келган юз нафарга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Кувонарли жиҳати шундаки, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Зулфия Йўлдошева ва Нилуфар Шомуродова халқаро турнирдан Тошкентга совриндор сифатида қайтишди.

Тасма ёрдамида машқ бажариш баҳсларида қатнашган Зулфия Йўлдошева турнир якунида кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Нилуфар Шомуродованинг тўп билан бажарган композицияси бронза медалга лойиқ деб топилиб.

Наъматак — атиргуллар оиласига кирувчи бутасимон ўсимлик бўлиб, баъзи турларининг бўйи 6 метргача бориши мумкин. Пояси эгилувчан, тиканли, ялтироқ, кўнғир-қизил ёш новдалари бир оз яшил ранглидир.

Наъматак мевалари таркибида салмоқли микдорда (4-8 фоиз, баъзан 18 фоизгача боради) Р,К,В дармондорилари гуруҳи, каротин, флавоноидлар, канд моддаси, органик кислоталар (олма кислотаси 1,8-2 фоизгача, лимон кислотаси 2 фоизгача) пектин ва ошловчи моддалар, ликопин ва рибоксантин, шунингдек, калий, темир, марганец, фосфор, кальций, магний тузлари бор. Мева уруғларида Е дармондориси мавжуд.

Наъматак жуда қадим замонлардан бери халқ табиobati амалиётда атрофлиҳа қўлланиб келинади. Жумладан, унинг меваларидан тайёрланган дамлама ўпка сили, жигар, ўт қопчасининг яллиғланиши, ичак, буйрак, қувуқ касалликларини даволашда фойдалидир.

Наъматак гуллари бурнаки таркибига қўшилидиган бўлса, унда хушбўйлиқни ато этиш билан бирга мия тикилмаларини очади, назладан акса уриш билан холи бўлинади. Унинг гуллари тиш огриғида, милкларнинг яллиғланишида, бодомча безларининг шамоллашида, томоқ огриғида, юракнинг ҳаприқишида ёрдам беради, меъда ҳамда жигарни мустаҳкамлайди, шунингдек, кўнғил айниши, қусиш, кекиришда, сариқ ва қулунж касалликларидан фойдали хисобланади.

Гултожибарглари асосида тайёрланадиган мураббо (шакар воситасида пиширилганда) кайфиятни зиёда қилдиради, шамоллашдан келиб чиқадиган юрак ҳаптиқишида ёрдам беради, юракни мустаҳкамлайди.

Табиат неъматлари

НАЪМАТАК

Наъматакнинг нафақат гул ва меваларигина шифобахш бўлиб қолмасдан, балки унинг барглари асосида тайёрланган қайнатма меъда огриқларига нафли хисобланади. Халқ табиобатида ҳатто наъматак илдишларидан тайёрланган қайнатма қувуқ ҳамда буйракка тош келиб огриқ берганда ичишга, кишига анчагина энгиллик бериши инобатга олинган. Бундан ташқари, наъматак мевалари асосида тайёрланган дамламанинг тинча қуриши, камқонликда, шунингдек дармонсизликка ижобий натижа бериши маълум.

Халқ табиобатида наъматакдан тайёрланган дамладан болаларда кузатиладиган майда тошмаларни,

йирингли-септик асоратларга мойиллиги бор ўткир юқумли касалликни, терламани ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Наъматак гулларида бўқтирма тайёрлаб кўзга боғланса, кўз шамоллаши билан боғлиқ бўлган касалликларга даволик қилади.


Наъматак меваларида Р дармондори мажмуаси бўлганлиги сабабли, у майда қон томирчалари деворларининг эгилувчанлигини ошириб, уни мустаҳкамлайди. В.Лебедевнинг келтирган маълумотларига қараганда, наъматак илдишлари асосида тайёрланган қайнатма овқатни ҳазм қилувчи аъзоларнинг фаолиятини уйғунлаштириб, унинг ферментатив фаоллигини меъёрга келтиради.

Наъматак меваларидан каротини номли дори чиқарилган. Бу ўсимлик меваларининг юмшоқ қисмининг мойли экстракти бўлиб, у асосан турли кўринишдаги тери касалликларини (битмайдиган — трофик яралар, дерматитлар, кўтир, қичима, экзема, псориаз ва бошқа) даволаш мақсадида буюрилади.

Уй шароитида наъматак меваларидан қайнатма тайёрлаш учун озги ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуйиладиган ва бир ош қошиқ майдаланган (уруғ-ёноқчалардан холи этилган) мевадан солиб, 10 дақиқа давомида қўйиб қўйилади. Қайнатма дока воситасида сузилгач, унга шакар қўшиб шира берилади. Қайнатмадан қунига 3 маҳал, овқатланишдан олдин ярим стакандан ичилади.

Наъматак мевалари дармондорисидан қандолатчилик саноатида, ўсимликдан ҳушрўйлаш (косметика) амалиётда фойдаланилади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ

Хотира ва кадрлаш — муқаддас туйғу

Хотира — инсоннинг пок қалбидаги буюк ҳислардан бири

Ёшмисан, кексани сен

хурмат айла,

Ўзинг ҳам қарийсан,

ҳозирдан ўйла

Кексага кўмак бер —

суянган тоғинг,

Буни тушунарсан қариган

чоғинг

Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси

Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади

Ота-онага нисбатан хурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз муқаддас туйғудир

Кексаларнинг қадрига етмасанг, бахт ҳам сендан юз ўғиради

Кексаларни хурмат қил, иззатини жойига қўй, бир куни вақти келиб ўзинг ҳам шундай қартайасан

Меҳр-муҳаббат бола қонига ота-она орқали ўтади

Болалар доимо ота-оналари билан фахрланишлари керак

Олтин-кумушнинг эскиси бўлмас, ота-онанинг баҳоси бўлмас

Бу ёруғ оламда Ватан биттадир, биттадир дунёда Она деган ном

Ота-онасини сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан беҳабар ўтади

Ота-она меҳри ўзидан сўнг ҳам нур қолдиради

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

 ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ	жа иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 9 майда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити
Тошкент шаҳрида 9 май куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 28-30 дара-	шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фаз қўлайиш тахмин қилишда, таъмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



1158 9550-9279

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11938 нускада босилди.
Қозғ бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ